



MEDICAL POLICY OF THE RUSSIAN EMPIRE IN THE TURKESTAN REGION: THE EXAMPLE OF THE JIZZAKH DISTRICT (1866-1910)

Shakhnoza Asatullayevna Abdurakhimova

Doctor of Philosophy in Historical Sciences, PhD

*Associate Professor at Tashkent University of Information Technologies named after
Muhammad al-Khorezmi*

shahnozaabdurahimova373@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Healthcare, infectious diseases, Jizzakh county, medicine, hospitals, maternity hospital, military infirmary.

Received: 19.06.26

Accepted: 20.06.26

Published: 21.06.26

Abstract: This article examines the issues of medical care of the Jizzakh oasis during the Russian Empire, in particular: medical services provided to the population, diseases that arose in the oasis, measures to eliminate them, existing problems, the creation of a health care system, the construction and maintenance of hospitals, and the provision of doctors to the country.

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ОЛИБ БОРГАН ТИББИЙ СИЁСАТИ ЖИЗЗАХ УЕЗДИ МИСОЛИДА (1866-1910 ЙИЛЛАР)

Шахноза Асатуллаевна Абдурахимова

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги

Тошкент ахборот технологиялари университети доценти

Т.ф.ф.д, PhD

shahnozaabdurahimova373@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Соғлиқни сақлаш, юкумли касалликлар, Жиззах уезди, тиббиёт, шифохона, туғруқхона, ҳарбий лазарет.

Аннотация: Ушбу мақолада Россия империяси даврида Жиззах воҳасининг тиббий хизмат масалалари, хусусан: аҳолига кўрсатилган тиббий хизматлар, воҳада юзага келган касалликлар, уларни баргараф этиш чора тадбирлари, мавжуд муаммолар, соғлиқни сақлаш тизимининг йўлга қўйилиши, шўролар томонидан тиббий сиёсатнинг юритилиши, шифохоналарнинг қурилиши ва таъминоти,

**МЕДИЦИНСКАЯ ПОЛИТИКА РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ В ТУРКЕСТАНСКОМ
РЕГИОНЕ НА ПРИМЕРЕ ДЖИЗАКСКОГО УЕЗДА (1866-1910)****Шахноза Асатуллаевна Абдурахимова***Доктор философии по историческим наукам, PhD**доцент Ташкентского университета информационных технологий имени**Мухаммада аль-Хорезми*shahnozaabdurahimova373@gmail.com*Ташкент, Узбекистан***О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: Здравоохранение, инфекционные заболевания, Джизакский уезд, медицина, больницы, родильный дом, военный лазарет.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы медицинского обслуживания оазиса Джизах в периоде Российской империи, в частности: медицинские услуги, предоставляемые населению, заболевания, возникшие в оазисе, меры по их устранению, существующие проблемы, создание системы здравоохранения, строительство и содержание больниц, обеспечение страны врачами.

Кириш. XIX аср охири – XX аср бошларида рус истилосидан сўнг Туркистонда сиёсий ўзгаришлар билан бир қаторда, кўшни худудлар аҳолиси ва харбийларининг кириб келиши натижасида ижтимоий ўзгаришлар ҳам юзага кела бошлади.

Мавзуга диор адабиётлар таҳлили. Ушбу мавзуга доир жуда кўплаб бир қанча илмий ишлар, тадқиқотлар олиб борилиб, кўплаб илмий мақолалар, диссертациялар ҳамда монографиялар архив хужжатлари, илмий адабиётлар ва даврий матбуот материалларидан фойдаланилган ҳолда чоп этилган.

Тадқиқот методологияси. Мавзуни тадқиқ этишда архив фондлари хужжатлари, илмий адабиётлар ва даврий нашр материаллари билан қиёсий таҳлил қилиниб, тарихий-қиёсий усулдан фойдаланилди. Шунингдек, манбалар ва олинган маълумотлар аналитик усули орқали изоҳланиб, ёритилди.

Таҳлил ва натижалар. Хусусан, 1866 йил 18 октябрда Жиззах шаҳри босиб олингандан сўнг, бу ерларни ушлаб туриш учун 10 та харбий рота (хар бирида 200 – 250 аскар) ва 300 та казак қолдирилади [1]. Харбий хизматчилар ҳамда чор амалдорларига тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида, бу ерда дастлаб 4 ўринли тиббиёт пункти ташкил этилди [2]. 1867 йили йили Жиззах худудлари Сирдарё вилоятининг

алохида уезди мақомида Туркистон генерал-губернатўрлиги таркибига киритилади. Рус аҳли яшаган қисмда черков, 30 га яқин хонадон бўлиб, кўчалар текис ётқизилган ва керосин фонарлар билан ёритилган эди. Шаҳардаги ягона рус шифохонасида шифокор, фелдшер ва доя хизмат кўрсатганлар. Туб аҳоли яшаган эски шаҳар қисмида эса отлар учун майдон, ем-хашак, мол бозори ва турли дўконлар жойлашган бўлиб, серқатнов бўлгани сабаб тартибсиз, чиқиндилар билан тўлиб-тошган эди.

Бухоро амирлигидан тортиб олинган ерлар чегараларини кўриқлаш учун Ўратепада жойлашган 2-Туркистон чизиқли баталёнда 1000 яқин аскар хизмат қилиб, уларга тиббий ёрдам бериш учун махсус ҳарбий шифокор ва фелдшерлар фаолият юритганлар. 1872 йил 28 майда Зоминда хизмат қилган оддий аскар Яков Валкин баталён шифокори Н. Семенов кўригига олиб келинади. Икки кун ўтиб ўлган аскарга шифокор вабо касали ташхисини кўйяди. Икки кундан сўнг Жиззах уездининг Зомин, Сават ва бошқа ҳудудларида касалланиш ҳолатлари аниқланади. У ерга юборилган шифокор И. Суворов ҳамкасби Н. Семеновнинг ташхисини тасдиқлайди. Май ойида касалиқдан вафот эганлар сони 251 кишига етади. Шундан сўнг, Жиззах шаҳрининг янги қисмида 50 кишилик вақтинчалик юқумли касаллар учун шифохона ташкил этилади [3]. Ўлкада бундай юқумли касалликлар авж олишига қарамасдан биронта ҳам шифокор фаолият юритмаганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, 1870 йилда Сирдарё вилоятида 8 та шифокор бўлиб: вилоят бўйича 1 та, Тошкентда 1 та ва туманларга 6 та шаклда тақсимланган бўлса, Жиззах ва Чимкентда уезд шифокори умуман бўлмаган. Уларнинг ишини туманда жойлашган ҳарбий бўлинмаларнинг кичик шифокорлари бажарган [4].

Юқумли касалликлар ва уларни бартараф этиш чора тадбирлари.

Ушбу даврда ўлкада сув тақчиллиги сабаб ҳавза сувларининг узоқ муддат туриб қолиши натижасида сувда турли касаллик чақирувчи бактериялар кўпаяди. Бунинг оқибатида мамлакатда, аксарияти юқумли ҳисобланган ошқозон-ичак ҳамда тери-таносил касалликлари авж олади. Шунингдек рус армияси, Туркистон ҳудудларида аввал учрамаган ётоқ канасини олиб келадилар [5] бу эса мамлакатда турли янги тери касалликларни тарқалишига ва мавжуд касалликларни тезликда тарқаб эпидемия ҳолатига келишига сабаб бўлган.

Бу даврда мамлакатда вабо, безгак, захм, ўлат ва мохов каби юқумли касалликлар тарқалиши кўпайиб бир неча бор эпидемия даражасига кўтарилган. Туркистон ҳудудида 1872-1923 йиллар оралиғида камида 12 маротаба вабо касаллиги тарқалган. (1872, 1892, 1904, 1905, 1907, 1908, 1910, 1915, 1918, 1921, 1922, 1923) [6]. Бу касаллик доимо аҳоли соғлиғи ва мамлакатга хавф солиб турди. Даставвал ушбу касаллик Жиззах ҳудудида қайд

этилди, кейинчалик Тошкент ва Туркистоннинг бошқа вилоятлари ҳам ушбу касаллик туфайли катта талофот кўрди.

Масалан, ўша даврда фаолият юритган матбуотда келтирилган маълумотларга кўра, 1889-1891 йилларда Жиззах уездида безгак эпидемияси тарқалган.

1889 йилда шифохонага 16 986 нафар, 1891 йилда 30 809 бемор шундай касаллик туфайли мурожаат қилган. Жиззах уездида 1889-1891 йилларда безгак касаллигидан 1892 йилда кенг тус олган вабо касаллигига қараганда бир неча баробар кўпроқ аҳоли қирилиб кетган. 1888-1891 йилларда Самарқанд вилоятининг баъзи бир қишлоқларида бу касалликдан аҳолининг деярли ярми қирилиб кетган.

1892 йил 31 майида Жиззах шаҳридаги ҳарбий қисмда вабога учраган 32 та аскардан 21 таси вафот этади. Шунингдек, Жиззах уездига кўчиб келган рус деҳқонлари орасида ҳам касаллик авж олади. Самарқанд вилояти ҳарбий губернатўри Н. Ростовцевнинг буйруғига кўра, барча темир йўл бекатларида кузатув нуқталари ташкил этилади. Аммо касаллик тез орада бутун вилоят бўйича тарқалиб кетади ва 4916 та одамни ўлимига сабаб бўлади. Мирзачўлда эса вабо туфайли 93 касалдан 44 таси вафот этган.

Шунингдек, Жиззах шаҳрида шифокор назоратида бўлган 93 нафар рус бемордан 44 нафари вафот этган бўлса, тиббий ёрдамга муҳтож 431 шаҳарлик, Жиззах уездида эса 2412 жиззахликлар чорасиз вабодан ўлган яъни ушбу беморлар умуман шифокорга мурожаат қилмаган [7]. Юқорида келтирилган маълумотлардан аҳолига эпидемиялар вақтида етарлича тиббий ёрдам кўрсатилмаганлиги ҳамда аҳоли ҳар доим ҳам рус тиббий ходимларига мурожат қилавермаганлиги аниқланган.

Туркистон генерал-губернатўрлигининг барча жойларида шундай аянчли аҳволни кузатиш мумкин бўлган. Демак, касаллик шаҳарнинг рус қисмида яшовчи аҳолини ҳам қамраб олмагунча, мустамлакачилар юзага келишига сабаб бўлган омилларни бартараф этиш бўйича амалий тадбирлар олиб борилмаган [8].

Тиббиёт мутахассислари билан таъминланганлик ҳолати.

1900 йили рус империяси амалдорларининг оила аъзолари учун уч нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходимдан иборат шифохона очилади. 1908 йили ҳарбий шифокор И.Н.Самецкий шифохонага раҳбар қилиб тайинланади [9]. Ўз навбатида ўлкада Жиззах аҳолиси учун тиббий хизмат йўлга қўйилмаганлиги кузатилса, иккинчи томондан олий маълумотли тиббиёт мутахассисларининг бўлмаганлигини кўришимиз мумкин.

Масалан, 1911 йилги матбуот саҳифаларида ҳудудларда шифокор йўқлиги, уларнинг ўрнида савияси паст, жоҳил ва қўпол муомалада бўладиган фелдшерлар фаолият

юритаётгани ёзилган. Шундай хабарлардан бирида “шифокорлар ҳақида айтадиган гап йўқ, улар умуман йўқ.

Айрим туманларда (масалан, Жиззах, Каттақўрғон, Самарқанд вилояти ва бошқ.) шифокорлар йўқ, уларнинг ўрнига фелдшерлар ишламоқда – бу фелдшерлар кўп ҳолларда нодон, кўпол, саводсиздир” [10] дея қайд қилинган. Ачинарли жиҳати эса “бу ходимлар ҳатто фелдшерлик мактабини ҳам тугатмаган собиқ ҳарбий фелдшер аскарлар” [11] бўлиб, улар фуқароларга тиббий хизмат кўрсатиш малакаси у ёқда турсин, одамлар билан мулоқот қилиш, саломатликни асрашга доир қоидаларни содда тилда тушунтириш қобилиятига ҳам эга эмасди. Асосий олий маълумотли мутахассислар эса шаҳарнинг европаликлар яшайдиган қисмида ва давлат манфаатидаги шифохоналарга йўналтирилган [12].

Эндиликда, 1900 йили очилган шифохона 1910 йили бир шифокор ва бешта ўрта маълумотли ҳамширалардан иборат шаҳар амбулаториясига айлантирилган. Ушбу тиббиёт ходимлари бутун Жиззах уезди аҳолисига тиббий хизмат кўрсатган.

Хулоса. Умуман олганда Россия империяси аввало ҳарбий хизматчилари ва рус аҳолиси учун Туркистонга замонавий тиббиётни олиб кириб, уларнинг саломатлиги ҳақида қайғура бошлади. Аммо, ўлка аҳолисининг саломатлик масалалари кун тартибидаги масалаларнинг энг охирилари ёки умуман кун тартибидан жой олмаган ҳолатлари ҳам бўлганлиги, аниқланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.:

1. Туркистонда соғлиқни сақлаш иши ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, уларни даволашнинг тарихий босқичлари. Тошкент. 2024. 45-46 бетлар.
2. Ҳ.Ҳайдаров. Жиззах вилояти тарихи. Тошкент. 1996. 223-226 бетлар. ЎзФА Тарих институти. Туркистонда соғлиқни сақлаш иши ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, уларни даволашнинг тарихий босқичлари. Тошкент. 2024. 45-46 бетлар.
3. Туркистонда соғлиқни сақлаш иши ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, уларни даволашнинг тарихий босқичлари. Тошкент. 2024. 47-49 бетлар.
4. Х.Жуманазаров. Туркистонда миллий тиб анъаналари ва тиббиёт тарихи (XIX аср охири –XX аср бошлари). Тошкент. 2024. 78-79 бетлар.
5. М. Шифрин. Как боролись с рикшой в Средней Азии. <https://mytashkent.uz/2017/02/04/kak-borolis-s-rishtoj-v-srednej-azii/>
6. Магзумов Б. Х., “Материалы к истории холерных эпидемий в Туркестанском крае в 1872-1921 гг. “ Медицинский журнал Узбекистана, 1967, № 11, с. 30-34

7. С. Шодмонова. Туркистон тарихи-матбуот кўзгусида. Тошкент. 2011. 125-126 бетлар.
8. Туркистонда соғлиқни сақлаш иши ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, уларни даволашнинг тарихий босқичлари. Тошкент. 2024. 47-49 бетлар.
9. Г.Қосимова. Жиззах областида соғлиқни сақлашнинг революциядан илгариги тараққиёти, Т., “Медицина” нашриёти, 1985 йил, 4-6 бетлар.
10. Туркестанские ведомости. – 1911 год, № 76.
11. Колосова Г. О народном врачевании у сартов и киргизов Туркестана. ———— СПБ. 1903. – 100-стр.
12. Х.Жуманазаров. Туркистонда миллий тиб анъаналари ва тиббиёт тарихи (XIX аср охири –XX аср бошлари). Тошкент. 2024. 78-79 бетлар.